

Эҳромда жоиз нарсалар | Фикҳ дарслари (358-дарс)



19:00 / 18.12.2025 719

رَثْكَ أَوْ هِرْصَخَ فِي نَأْيْمِهِ لَدَشَّوْ لِمَحْمُومٍ وَتَيْبِ لَلْظِتْسِ أَوْ مَأْمَحْتْسِ أَلِ
رَحْسِ أَوْ أَنْ أَبْ كُرِّي قَوْلٍ وَأَي دَاوَطَبَهُ وَأَفَرَشَ الْعُورِ وَأَي لَصَّ يَتَمَّهَ بِلَّتْ لِ

Ҳаммомга тушиш, уй ёки соябон ила сояланиш ҳамда белига ҳамён боғлашдан сақланиш вожиб эмас.

Қачон намоз ўқиса, баландликка кўтарилса, водийга тушса, уловлиларга йўлиқса ва саҳар чоғига кирса, талбияни кўпайтиради.

«Мухтасари Виқоя»нинг ушбу матнида эҳромдаги киши қилиши мумкин бўлган ишлардан учтасигина зикр қилинган:

1. Ҳаммомга тушиш.

Демак, эҳромдаги киши иссиқ сувда чўмилиши ёки ҳаммомга тушиши мумкин экан.

عَمَّ حَمَّ نَبْرُوسٍ مَلَأَ وَسَابَعًا لِنَبْرِ هَلْ لَدَبَعٌ نَأْيُ بَيْتِ نَعْنَعٍ نَحْنُ نَبْرِ هَلْ لَدَبَعٌ نَعْنَعٍ
رُوسٍ مَلَأَ لِقَاوٍ، هَسْ أَرْ مَحْمُ لَسْ عَيْ سَابَعٌ نَبْرِ هَلْ لَدَبَعٌ لِقَاوٍ، أَوْ بِلَابِ أَفَلَتْ خَا
لَسْتَعَيْ هَدَجَ وَفِي رِاصِنَ أَلْبُؤِي أَيْ بِلَا سَابَعٌ نَبْرِ هَلْ لَدَبَعٌ رَأْفٌ، هَسْ أَرْ لَسْ عَيْ أَلْ
أَنَّا تُتْلُقُ؟ أَدَهْ نَمَ: لِقَاوٍ، هَلْ لَدَبَعٌ تَمَلَسَفَ: لِقَاوٍ، بَوَثْبُ رَتْتَسُمُ وَهَوَّ، نَبْرِ نَرَقَ نَبْرِ
لُوسَرٍ نَكَفَيْ كَلْ أَسَأْ سَابَعٌ نَبْرِ هَلْ لَدَبَعٌ كَيْ لِي لِي نَلَسْرَأْ، نَبْرِ نَحْنُ نَبْرِ هَلْ لَدَبَعٌ
هَدَيْ بَوِي أَوْ بَأْ غَضَ وَفَ: لِقَاوٍ؟ مَحْمُ وَهَوَّ هَسْ أَرْ لَسْ عَيْ مَلَسَ وَهَلْ لَدَبَعٌ لَدَبَعٌ هَلْ لَدَبَعٌ
بُصَا - هَلْ لَدَبَعٌ بَصِي نَأْسِنَا لِقَاوٍ مَثْ - هَسْ أَرْ يَلْ أَدَبٌ يَتَحُ هَطْ أَطْفَ، بَوَثْبُ لَدَبَعٌ
لِقَاوٍ مَثْ، رَبِّ دَأْ أَوْ بَلْ بَقْ أَفْ، هَلْ لَدَبَعٌ بَوِي أَوْ بَأْ كَرَحٌ مَثْ، هَسْ أَرْ يَلْ عَبَّ صَفْ
يَفْ وَنَأْحِي شَلْ أَوْ رُ، لَغَفَيْ مَلَسَ وَهَلْ لَدَبَعٌ هَلْ لَدَبَعٌ لِقَاوٍ لُوسَرُ تَيْ أَرَّ أَدَكْ ه
مَحْمُ لَدَبَعٌ لُحْدَيْ سَابَعٌ نَبْرِ لِقَاوٍ يَرَاخُ بَلْ

Абдуллоҳ ибн Хунайн отасидан ривоят қилади:

«Абдуллоҳ ибн Аббос билан Мисвар ибн Махрама Абвоъда ихтилоф қилиб қолишди. Абдуллоҳ ибн Аббос:

«Эҳромдаги киши бошини ювса бўлади», деди. Мисвар:

«Бўлмайди», деди.

Ибн Аббос уни Абу Айюб Ансорийнинг олдига юборди. У икки шохнинг орасида кийим билан тўсиниб олиб ғусл қилаётган экан. Мен унга салом бердим. У:

«Бу ким?» деди.

«Мен Абдуллоҳ ибн Хунайнман. Ҳузурингизга Абдуллоҳ ибн Аббос сиздан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эҳромдалик чоғларида бошларини қандай қилиб ювишлари ҳақида сўрашим учун юборди», дедим.

Абу Айюб кийимга қўлини қўйиб, уни пасайтирди. Унинг боши кўринди. Сўнгра ўзига сув қуйиб турган одамга: «Қуй», деди. У унинг бошидан сув қуйди. Кейин Абу Айюб бошини икки қўли билан ишқалади. Икки қўлини олдинга, орқага олиб бориб келди ва:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана шундай қилганларини кўрганман», деди».

Икки шайх ривоят қилишган.

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларига (соябон қилиб) олган эди».

Муслим, Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

3. Белига ҳамён боғлаш.

Оиша онамиздан бу ҳақда сўралганда: «Нафақангни белингга боғлаб ол», деганлар.

Эҳром кийимини ювиш ёки алмаштириш ҳам мумкин.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.